



16

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақо'рғ'он шаҳри, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 у.г. «4» август

№ 606/Қ

Каттақо'рғ'он ш. – г. Каттақурган

“Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 16 сентябрдаги 627-Қ сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларини қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги №62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида ҳамда Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар “Шахзода Махмудовна” хусусий корхонасини 2015 йил 21 июлдаги №3-сонли хатини, Каттақурғон тумани Пайшанба шаҳарчасида яшовчи фуқаро Нарзуллаев Фазлиддиннинг аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 16 сентябрдаги 627-Қ сонли “Ишлаб чиқариш цехлари қуришга рухсат бериш ҳақида”ги қарорининг 2,3 бандларига ўзгартириш киритилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Ингичка кучаси атрофидан фуқаро Нарзуллаев Фазлиддин Файзуллаевичга ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ажратилган 0,5 га ер майдони фуқаронинг розилик аризасига ҳамда “Шахзода Махмудовна” хусусий корхонасининг ер ажратиб бериш ҳақидаги хатига асосан “Шахзода Махмудовна” хусусий корхонасига 0,5 га ер майдони ажратиб берилсин.
4. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бугунги кун Архитектура ва қурилиш қонун талабларига риоя қилган ҳолда вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган АРТ ҳамда лойиҳа смета ҳужжатлари асосида амалга ошириш “Шахзода Махмудовна” хусусий корхонаси раҳбари зиммасига юклатилсин.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига кўрсатилган 2 йил муддатда қурилиш ҳамда атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.
6. Ерни натура тарзида жойига чиқиб ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишини назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиков) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси бошлиғи (Қ.Негматов) зиммаларига юклатилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими уринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

Ш.Ж.Рахмонов